

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**МАХСУС СОН**

---

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК**

---

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
<b>46. Муминов А., Норов Ш.</b> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
<b>47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.</b> АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
<b>48. Мўминова Г.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
<b>49. Муталлибжонов М.М.</b> ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
<b>50. Нафиддинова Х.Р.</b> БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
<b>51. Норматов О.</b> ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
<b>52. Нурматова М.М.</b> ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
<b>53. Пардаев А.А.</b> ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
<b>54. Примова Ф.А.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
<b>55. Расулов А.М.</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
<b>56. Расулов Ҳ.М.</b> ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ  
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**  
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА  
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**  
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN  
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**  
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**  
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ  
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ  
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ  
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**  
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**  
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ  
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ  
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**  
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТУРАНИНГ "МУНТАХАБ  
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тошпўлатов Бекзод Шухратович,  
стажёр-тадқиқотчи  
Қарши давлат университети  
kayzer994@gmail.com

## XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

*For citation: Tashpulatov Bekzod Shukhratovich. THE ESTABLISHMENT OF MEDICAL SCHOOLS IN TURKESTAN IN THE 20TH CENTURY. Look to the past. 2020, SI, pp. 484-490*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-63>

### АННОТАЦИЯ

Ҳозирги тиббиёт муассасаларининг ташкил топиш тарихи XX асрга бориб тақалади. Ўтган асрда Туркистонда тиббиёт кадрларини тайёрлаш ишининг йўлга қўйилиши, хусусан, Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳамда Самарқанд тиббиёт институтларининг очилиши, ўқув юрти асосчиларининг фаолияти, талабалар контингенти, унда маҳаллий миллий вакилларининг салмоғи масалалари таҳлили тиббиёт соҳаси тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

**Калит сўзлар:** Туркистон, тиббиёт ходимлари, тиббий таълим, Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги, Қизил яримой жамияти, Ўлка мусулмонлари фельдшерлик мактаби, олий тиббиёт таълими, Туркистон Халқ университети

Ташпулатов Бекзод Шухратович,  
стажер-исследователь  
Каршинского государственного университета  
kayzer994@gmail.com

## СОЗДАНИЕ МЕДИЦИНСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ В ТУРКИСТАНЕ XX ВЕКЕ

### АННОТАЦИЯ

История современных медицинских учреждений восходит к 20 веку. Развитие подготовки медицинских кадров в Туркестане в прошлом веке, в частности

открытие Ташкентского государственного медицинского института и Самаркандских медицинских учреждений, деятельность учредителей учреждения, анализ контингента студентов, а также роль местных представителей в истории медицины.

**Ключевые слова:** Туркестан, медицинские работники, медицинское образование, Министерство здравоохранения Туркестанской АССР, Общество Красного Полумесяца, Мусульманская школа им. Феликса, Высшее медицинское образование, Туркестанский народный университет

**Tashpulatov Bekzod Shukhratovich,**  
research-intern of Karshi State University  
kayzer994@gmail.com

## THE ESTABLISHMENT OF MEDICAL SCHOOLS IN TURKESTAN IN THE 20TH CENTURY

### ABSTRACT

The history of modern medical institutions dates back to the 20th century. The development of medical personnel training in Turkestan in the last century, in particular, the opening of the Tashkent State Medical Institute and Samarkand medical institutions, the activities of the founders of the institution, the analysis of the student body, and the role of local representatives in the history of medicine.

**Index Terms:** Turkestan, medical workers, medical education, Ministry of Health of the Turkestan ASSR, Red Crescent Society, Muslim School named after Felix, Higher medical education, Turkestan People's University.

**Д**олзарблиги. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишининг муваффақияти даввало тиббий кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилишига боғлиқ. Тиббиёт кадрлари зиммасига инсонлар саломатлигини сақлаш, касалланиб қолганларни даволашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юкланади. Дунёнинг барча ҳудудларида тиббиёт ходимлари тайёрлаш жараёнига жиддий эътибор қаратиб келинган. Хусусан, Туркистонда маълумотли тиббиёт ходимлари тайёрлаш, даволаш муассасаларини кадрлар билан таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар олиб борилди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Бугунги кунда тиббий таълим тизими тарихи жаҳоннинг қатор давлатларида жиддий ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Туркистон тарихининг кам ўрганилган соҳаларидан бири бу тиббий таълим тизимидир. Мавзунинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, соҳа тарихи асосан тиббий мутахассислари томонидан ўрганилган. Бу мавзу С.Содиқов, С.А.Молчанов, П.М.Лернер, В.А.Блинов, А.Ж.Жўраев, К.А.Зуфаров, А.Б.Бакиевларнинг рисола ва монографияларида ўрганилди. Аммо юқорида номлари қайд этилган муаллифларнинг асарлари асосан коммунистик партия якка ҳукмронлиги шароитида, мафкуравий тазйиқлар остида яратилганлиги билан характерлидир. [6]

3. Тадқиқот натижалари:

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистоннинг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қўқон каби шаҳарларида ўрта ва кичик тиббий кадрларни тайёрловчи мактаблар очилди. 1918 йил Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги даволаш муассасаларини тиббий ҳамширалар билан таъминлаш мақсадида П. Ф. Боровский раҳбарлигида А. М. Коллонтай номидаги тиббиёт ҳамширалар мактабини ташкил этди. Бу мактабда таълим 2 йиллик қилиб белгиланиб, ўқув биноси сифатида Қизил яримой жамиятининг хирургия шифохонаси биносидан фойдаланилди ва талабалар учун жами 7 та хона ажратилди. Мактабда Измайлова, Цвелинская, В. Н. Робинзон, Топольский, Ликошин, Яковлев каби ўқитувчилар талабаларга турли фанлардан таълим-тарбия берди, мактабда 1920 - 1921 ўқув йилида жами 20 та ўқувчи тиббиётдан таълим олди.[1]

Соғлиқни сақлаш комиссарлиги ўлкада тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида тиббиёт мактаблари сонини кўпайтирди. Фельдшер ва ҳамширалар таёрлаш мактаблари сони ортиб борди.

Туркистон АССРда 1920 йили бир йўла 3 та, яъни, ўлка мусулмонлари фельдшерлик мактаби, маҳаллий хотин-қизлар учун акушерлик мактаби, европаликлар учун Тошкент акушерлик мактаби очилди. Тиббиёт мактабларида ўқиш муддати турлича бўлди. Масалан, акушерлик мактабларида ўқиш 2 йил қилиб белгиланган бўлса, ўлка мусулмонлари фельдшер мактабида 4 йил эди. Маҳаллий аҳоли учун мўлжалланган тиббиёт мактабларида она тилидаги дарсликлар ҳамда ўзбек тилида дарс берувчи ўқитувчилар етишмади. Шунинг учун ўқув машғулотлари рус тилида олиб борилди, бу эса иш сифатига салбий таъсир кўрсатди. Натижада кўплаб ўқувчилар ўқишни ташлашга мажбур бўлди. Масалан, маҳаллий хотин-қизлар акушерлик мактабига биринчи ўқув йилида қабул қилинган 15 та ўқувчидан 5 таси ўқишни ташлаб кетиб, 1922 йили бу мактабни фақат 7 киши тугаллашга муваффақ бўлди.[1]

Ўлка мусулмонлари фельдшерлик мактабига биринчи ўқув йилида 50 та ўқувчи қабул қилинган бўлса, улардан фақат 10 таси охиригача ўқиб, диплом олди. Рус тилини билмаслик, етарли моддий таъминотнинг йўқлиги туфайли уларнинг кўпчилиги ўқишни охиригача давом эттира олмадилар. Бошқа шаҳар ва қишлоқлардан келган талабалар ётоқхоналар билан таъминланмаганликлари туфайли баъзи ҳолларда чойхоналарда тунашга мажбур бўлди. Ўлка мусулмонлари фельдшерлик мактабини И. М. Шварцман, маҳаллий хотин-қизлар акушерлик мактабини Г. О. Асфандиёрова, европалик аҳоли акушерлик мактабини А. Ф. Попов бошқарди. Тиббиёт мактабларида С. Э. Циммерман, Т. А. Сирота, М. И. Ёқубова, А. Б. Трегулова, З. И. Умидова, М. Беньяминович, П. Ф. Сомсонов, Р. С. Гершеневич каби ўқитувчилар дарс берди.[3]

Қорақалпоғистонда ҳам маҳаллий аҳоли орасида тиббиёт кадрларни тайёрлаш тадбирлари бошлади. Шу мақсадда Тошкент ва Россиянинг бир неча шаҳарларида тиббиёт йўналишидаги ўқув юртларга ёшларни юборди. Масалан, 1924 йил Уразмет Холмурадов Тошкент тиббиёт техникумига ўқишга юборилди. Кийинги йили 2 нафар киши оренбургнинг тиббиёт техникумига юборилди. Шу йили Қорақалпоғистонлик Мурот Мухамедов Тошкент тиббиёт техникумига ўқишга қиришга мувофиқ бўлди.

Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг санитария-оқартув бўлими томонидан фельдшерлар, доришунослар ассистенти, ҳамширалар, санитария инспекторларини тайёрловчи тиббиёт мактаблари ва курслари ташкил этилди.[1] 1922 йили Ўзбекистон ҳудудида шу турдаги мактаблар сони 13 та

бўлиб, уларда 536 та талаба таҳсил олди. Улардан 50 таси, яъни фақат 10 фоизи маҳаллий миллатга мансуб эди. 1925 йил Фарғонада, 1927 йил Самарқандда, 1930 йил Бухорода тиббиёт техникуми очилди.[13] Тиббиёт мактаблари ва техникумларининг ташкил этилиши ўлка аҳолиси соғлиғини сақлаш ишини жонлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ўқув муассасаларида А. З. Зоҳидов, Я. К. Мўминов, И. К. Комилов, А. Юсупов, Х. Г. Гафуров каби тиббиёт соҳасининг машҳур олимлари таълим олди.[3]

Туркистонда олий тиббиёт таълимини йўлга қўйишда 1918 йил апрелида Туркистон Халқ университети очилиб, унинг таркибида тиббиёт факультетининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Факультетни ташкил этиш бўйича 12 кишидан иборат махсус комиссия тузилиб, унинг таркибига Н. А.Семашко, Л.А.Тарасевич, А.В.Мартынов, П.П.Ситковский, А.Н. Крюков, И.А.Давидовский ва бошқалар бор эди.

Шунингдек, олий маълумотли тиббиёт кадрларини тайёрлаш мақсадида 1919 йил 15 августда Тошкент шаҳридаги "Буфф" кафеси биносида Олий тиббиёт мактаби очилиб, биринчи директори лавозимига Г. Н. Броверман тайинланди. [2] Шу вақтда Тошкентда фармацевтика мактаби ҳам очилди. Олий тиббиёт мактаби I курсига 550 та тингловчи қабул қилиниб, шундан фақат 250 таси машгулотларда иштирок этди.[2]

1919 йил 4 декабрда Туркистон Давлат университети Кенгаши Олий тиббиёт мактаби вакиллари билан биргаликда ўтказилган йиғилишда бу мактабни университет таркибида тиббиёт факультетига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.[2] 1920 йил 24 ноябрда Олий тиббиёт мактаби Туркистон Давлат университетининг тиббиёт факультетига айлантирилди. Факультет декани сифатида П. П. Ситковский, декан муовинлигига эса К. Г. Хрушев тайинланди. Туркистон Давлат университети тиббиёт факультети учун профессор-ўқитувчилар, зарур ускуналар, ўқув қўлланмалар Москва олий ўқув юртлари томонидан тўпланди.[10] Жиҳозлар, ўқув қўлланмалар, лаборатория асбоб-ускуналарини Тошкентга етказиш учун махсус санитария поезда ажратилди.

Ўқув машгулотлари 5 та курсда ҳам бошланди. Биринчи курс талабалари янгидан қабул қилинди, иккинчи курс Олий тиббиёт мактаби битирувчилари, учинчи, тўртинчи ва бешинчи курсларда Петроград, Тбилиси, Саратов, Томск ва бошқа шаҳарлардан келган талабалар таълим олди. Жами 205 та талаба ўқиди ва улардан 5 таси маҳаллий миллатга мансуб эди.

Мазкур поезд 52 кун давомида йўл юриб, 1920 йил 10 апрелда Тошкентга етиб келди.[10] Шу йили факультетнинг 5 та курсида ҳам талабалар ўқишни бошлади. Юқори курсларга фельдшерлар, уруш туфайли вақтинча ўқишни тўхтатиб, армия сафига кетган тиббиёт факультети талабалари, бошқа шаҳарлардаги тиббиёт факультети талабалари қабул қилинди.

Тиббиёт факультети клиникаси учун Полторацкий номли касалхона биноси берилди. Клиникада 500 даволаш ўрни, 8 нафар врач, 15 фельдшер ва ҳамшира фаолият олиб борди. Клиниканинг бир қисми яъни, жарроҳлик, терапия, кўз касалликлари ҳамда тери-таносил касалликлари бўлиши ҳарбий госпитали биносига жойлаштирилди. 1926 йили факультет бинолари қайтадан қурилиб, ўқув, даволаш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш учун қулай имкониятлар яратилди. 1922 йили Туркистон ҳукумати факультет учун 65000 олтин рубль ҳисобида маблағ ажратди.[11]

Факультет кафедраларидаги бўш жойларга Москва ва бошқа йирик шаҳарлардан

профессор-ўқитувчилар таклиф этилди. Тиббиёт соҳасининг таниқли олимлари Н.И.Рогоза, А.Н.Мурзин, И.С.Мильман, Н.И.Осиновский, Ф.И. Валькер, Г.А.Ильин, С.А.Молчанов, Л.В.Ошанин, С.Э.Циммерман ва бошқалар шулар жумласидандир. Факультет профессор-ўқитувчилари ўқув, даволаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини биргаликда олиб бориб, Ўрта Осиё халқлари турмуш тарзи, урф-одатларини касалликларнинг келиб чиқиш омилларини чуқур ўргандилар.

Туркистон университети тиббиёт факультети 1921 йил 12 та, 1922 йил 47 та, 1923 йил 23 та, 1924 йил 131 нафар врач тайёрлади.[9]

Аммо улар орасида маҳаллий миллат вакиллари жуда озчиликни ташкил этди. 1920-1930 йиллар давомида Ўрта Осиё университетининг тиббиёт факультетини фақат 63 нафар маҳаллий миллат вакиллари тамомлади.

Битта тиббиёт факультетни тамомлаётган врачлар билан бутун Ўрта Осиё даволаш муассасаларини таъминлаш имконияти йўқ эди. Эҳтиёж ҳисобга олиниб, 1930 йил республика шифохонаси базасида Самарқанд тиббиёт институти очилди.[8] Бу институт дастлаб ўзбек Давлат тиббиёт институти деб номланиб, Ўрта Осиёдаги биринчи мустақил тиббиёт институти эди.[14] Бу институтнинг биринчи ташкилотчилари Б.Е.Туркевич, Л.Н.Лапин, Г.М.Семеновлар бўлди.[2]

Самарқанд тиббиёт институти очилган биринчи йилда 6 та гуруҳ, 2 та кафедра, 19 та ўқитувчи фаолият олиб борди. Институт нафақат Ўзбекистон учун балки Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистон учун ҳам тиббиёт кадрларини тайёрлаб берди.

1931 йили Олий тиббий таълим тарихида яна бир воқеа, яъни, Ўрта Осиё университети таркибидаги тиббиёт факультети алоҳида Ўрта Осиё тиббиёт институти сифатида фаолият кўрсата бошлади. Институтни дастлаб профессор Г.П.Федоров, сўнгра Х.У. Умаров бошқарди. Ўрта Осиё тиббиёт институтида 4 та даволаш-профилактика, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, санитария-профилактика, стоматология факультетлари ташкил этилди.

1931-1932 ўқув йилида институтда 581 нафар, 1932-1933 ўқув йилида 961 нафар талаба таҳсил олди. Уларга 77 нафар профессор-ўқитувчи таълим берди. Ўқитувчиларнинг 25 нафари профессор унвонига эга эди. Аммо ўқитувчилар таркибида ҳам маҳаллий миллат вакиллари камчиликни ташкил этди. Институтдаги 104 нафар ассистент ўқитувчилардан фақат 11 таси маҳаллий миллат вакили эди.

Институт факультетлари, кафедралари, клиникаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб борди. 1931 йили институт бюджети 1,5 млн. Рубль бўлса, 1935 йил 8 млн рублдан ошиб кетди. Институт 1935 йилдан Тошкент Давлат тиббиёт институти деб номланди.

1925-1940 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтида (Ўрта Осиё университети тиббиёт факультети, сўнгра, Ўрта Осиё тиббиёт институти) 2296 нафар врач тайёрланиб, улардан 375 нафари маҳаллий миллат вакилларидан иборат бўлди. 1935-1940 йилларда Самарқанд тиббиёт институтини 631 нафар талаба тамомлади.[2] Уларнинг 142 таси маҳаллий миллат вакиллари ҳиссасига тўғри келди.

XX асрнинг 20-30 йилларида Ўрта Осиё республикалари аҳолиси турмуш даражасининг пастлиги, моддий таъминотининг ночорлиги туфайли кўплаб юқумли ва ижтимоий касалликлардан азият чекиб келди. Тиббиёт институти олимлари ўз тадқиқотларида Ўрта Осиё шароитида турли касалликларни тарқалиши ҳамда уларни олдини олиш ва тугатиш юзасидан узлуксиз тадқиқотларни олиб борди. 1930 йилга қадар Ўрта Осиё университети тиббиёт факультетида 267

та, 1930-1940 йилларда Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтларида 2557 та илмий-тадқиқот ишлари бажарилди.[2]

#### 4.Хулосалар:

Хуллас, Туркистонда тиббий таълим тизимининг йўлга қўйилиши жуда оғир шароитларга тўғри келди. Тиббиёт факультетини ташкил этиш ишига Москва, Ленинград ва бошқа марказий шаҳарларнинг тиббиёт институтлари ҳамда профессор-ўқитувчилари ўз ҳиссаларини қўшди. Туркистон Давлат университети тиббиёт факультети профессор-ўқитувчилари асосан европаликлардан иборат бўлди. Шунингдек, ўқув машғулотларнинг рус тилида олиб борилиши, мавжуд ўқув қўлланмалар ва дарсликлар ҳам асосан рус тилида эканлиги институт талабалар орасида маҳаллий миллат вакилларининг жуда озчиликни ташкил этишига сабаб бўлди.

Шундай бўлсада, ўлкада тиббий таълимнинг йўлга қўйилиши аҳоли ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Йиллар давомида республикада тиббий таълим тизими кенгайтирилиб, ўқув юртларига қабул қилинаётган талабалар сони, факультетлар, кафедралар ҳамда илмий ходимлар сони ортиб борди. Бу эса ўз ўрнида ўлкада соғлиқни сақлаш ишининг ривожланишига, хусусан, аҳоли ўртасида турли юкумли ва ижтимоий касалликларнинг тарқалишининг олдини олиш ҳамда бошқа хил касалликларни даволаш ишларининг яхшиланишига замин бўлиб хизмат қилди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1.Агзамов Б. С., Бакиев А. Б.Из истории подготовки медицинских кадровв Узбекистане // Советскоездоровоохранение, 1965, № 3. - С. 54.( Agzamov B. S., Bakiev A. B. From the history of the training of medical personnel in Uzbekistan // Soviet Health Care, 1965, No. 3. - P. 54.)

2.Бакиев А.Б. История и современное состояние подготовки врачебных кадров в Узбекской ССР. Автореф. (Bakiev A.B. History and current state of training of medical personnel in the Uzbek SSR. Abstract.)

3.ВопросыорганизациииздрравоохраненияииисторииимедициныУзбекистана. - Т.: 1968. - С. 80 - 83. (Issues of healthcare organization and the history of medicine in Uzbekistan. - T.: 1968. - S. 80 - 83.)

4.Джураев А.Д. Ташкентский медицинский институт. (1919-1964) Т., 1966; (Juraev A.D. Tashkent Medical Institute. (1919-1964) T., 1966;)

5.Лернер П.М., Блинов В.А. Очерки развитие науки в Самаркандском государственном медицинском института за 50 лет (1930-1980). Т., Медицина. 1980(Lerner P.M., Blinov V.A. Essays on the development of science at the Samarkand State Medical Institute for 50 years (1930-1980). T., Medicine. 1980)

6.Молчанов С.А. 35 лет Ташкентского государственного медицинского института им.В.М.Молотова.-Т., Госиздат.; 1954; (Молчанов С.А. 35 лет Ташкентского государственного медицинского института им.В.М.Молотова.-Т., Госиздат.; 1954;)

7.Садыков С. Высшая школа-кузница подготовки кадров. Т., 1973; (Sadykov S. Higher education forge school. T., 1973;)

8.Самаркандский государственный медицинский институт имени академика И.П.Павлова. (Краткий справочник). Т., 1962, 4-стр. (Samarkand State Medical Institute named after academician I.P. Pavlov. (Quick reference). T., 1962, 4 pp.)

9.Советское здравоохранения. 1984, №3, 51-стр. (Soviet health. 1984, No 3, 51

pp.)

10. Туркестанский медицинский журнал, 1922, №1, 84-б. (TurkestanMedicalJournal, 1922, No. 1, 84-b.)

11. Зуфаров К.А. 50 лет Ташкентскому государственному медицинскому институту. Т., Медицина, 1970; (Zufarov K.A. 50 years of Tashkent State Medical Institute. T., Medicine, 1970;)

12. Центральная Государственная архив Республика Узбекистана (ЦГА РУз) р-40 фонд, 1-опис, 305-дело, 3-лист. (Central State Archive Republic of Uzbekistan (CSA RUz) r-40 fund, 1-description, 305-file, 3-sheet.)

13. НАУ, р-40 фонд, 1-опис, 305-дело, 79-лист. (NAU, r-40 fund, 1-descript, 305-case, 79-sheet.)

14. НАУ, 837-фонд, 16-опис, 111-дело, 105-лист. (NAU, 837-fund, 16-description, 111-case, 105-sheet.)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

**МАХСУС СОН**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000